



ТЕХНИКЛАЙМАН:

Дангара туман ободонлаштириш  
бошкармаси бошлиғи:

М.Холмирзаев

2022 йил.

Дангара туман Ободонлаштириш бошкармасига ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар асосида Чодакилик МФЙ Чодакилик ва Табассум кучаси буйлаб сув таъминоти ва окова сув тармоқларини куриш ишлари буйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Дангара туман Ободонлаштириш бошкармасига ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар асосида Чодакилик МФЙ Чодакилик ва Табассум кучаси буйлаб сув таъминоти ва окова сув тармоқларини куриш ишлари
2	Буюртмачи	Дангара туман Ободонлаштириш бошкармаси
3	Тижорат таклифни такдим этиш шартлари	Иштирокчи корхонанинг мутахасисларининг иш тажрибаси  Моддий таъминот  Иштирокчи корхонанинг моддий техник базаси тўғрисида маълумот  Махсулот мавжудлиги ва сертификати  Иштирокчи ноҳалол етказиб берувчилар реестрида турмаслиги тугрисида маълумотнома  Иштирокчи корхона хақида умумий маълумотлар  Техника хавфсизлиги коидалари  Бажариладиган ишнинг техник параметрлари ва кафолат муддати  Ишларни бажариш муддати etender.uzex.uz порталида жойлаштирилади
4	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бошлангич олдиндан тулов миқдори 30%. Бажарилган ишлар счёта фактура асосида белгиланган тартибда туланади
5	Молиялаштириш манбаи	Бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан
6	Конкурс тили	Ўзбек тилларида
7	Шартнома валютаси	Миллий валюта
8	Танлов таклифини қабул қилиш	Таклифлар эълон қилинган пайтдан бошлаб
9	Танлов тугрисида маълумот	<a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> да жойлаштирилган

## БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИККАТИГА !!!

**Дангара туман Ободонлаштириш бошкармаси**  
*Энг яхши таклифни ТАНЛАШ учун эълон қилади:*

**Хизмат номи:** Дангара туман Ободонлаштириш бошкармасига ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар асосида Чодакилик МФЙ Чодакилик ва Табассум кучаси буйлаб сув таъминоти ва окова сув тармоқларини қуриш ишлари

Ишларни тугаллаш муддати -20 календарь кун.

**Буюртмачи: Дангара туман Ободонлаштириш бошкармаси**  
**(99) 147 28 01**

Молиялаштириш манбаси: Бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан.

- ♦ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Танлаш иштирокчилари танлашда катнашиш тугрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](https://etender.uzex.uz) сайтидан олишлари мумкин

- ♦ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари буйича [etender.uzex.uz](https://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ♦ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](https://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

### ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Дангара туман Ободонлаштириш бошкармасига ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар асосида Чодакилик МФЙ Чодакилик ва Табассум кучаси буйлаб сув таъминоти ва окова сув тармоқларини қуриш ишлари учун танловда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва <https://etender.uzex.uz/> да электрон таклиф тақдим этилишини сураймиз.

Ишларни тугаллаш муддати -20 календарь кун.

**Буюртмачи: Дангара туман Ободонлаштириш бошкармаси**

**Молиялаштириш манбаси: : Бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар буйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;
- доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши;
- уз айланма маблаглари билан таъминланганлиги;
- тўловга кодирлиги (курсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- танлаш объектига ухшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар, шу жумладан уз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;
- устав фонди миқдори тугрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети булган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият кунун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур булса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга булган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (булиниш, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Хар бир бажариладиган иш буйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизмлар руйхати тулиқ илова қилиниши керак.

Хар бир бажариладиган иш буйича танловга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тулиқ курсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйрук хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси булиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотугри маълумот берилса танлов ҳужжатлари қурилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг Бажариладиган иш хизматларни руйхатини, хусусан, Бажариладиган иш хизматларнинг руйхатини такдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига муурожаат қилишга ҳақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тугрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қуйилган талабларни ўргангани ва унда қўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин булган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот портали орқали қуриб чиқилади.

Бош ҳисобчи:



И.Тожиёв